



20 20 у « 20 » октябрь

№ Қ-584

« » 20 г

Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов СИУ
“Хўжамулки” маҳалласи худудидан
“QUMQO’RG’ON GOLD GARDEN” МЧЖга
енгил конструкцияли “Иссикхона” қуриш ва
интенсив боғ барпо қилиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/712-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 15 сентябрдаги 227/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/712-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов СИУ “Хўжамулки” маҳалласи худудидан “QUMQO’RG’ON GOLD GARDEN” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан енгил конструкцияли “Иссикхона” қуриш учун 2,0 гектар вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва интенсив боғ барпо қилиш учун 43,50 гектар доимий эғалик қилиш ҳуқуқи билан жами 45,50 гектар, шундан 27,60 гектар бўз ер, 10,50 гектар яйлов, 3,50 гектар ариқ ва зовурлар, 0,40 гектар йўл ва 3,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ажратилсин.

3. “QUMQO’RG’ON GOLD GARDEN” МЧЖ бошлиғи А.Рахмонкуловга: иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Туралов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов